I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 761,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,1 % га ўсди.

2019 йилнинг январь-март якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 561,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,3 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 6,3 % ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот

2019 йил январь-март ҳолатига, фоиз таққослама нархда

	млрд.сўм		*2018 йил январь-март ойига нисбатан, фоиз ҳисобида*
	2018 йил	*2019 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**4 092,9**	**5 761,0**	**106,1**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3 898,1	5 303,3	106,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	194,8	457,7	106,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**3 898,1**	**5 303,3**	**106,1**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	767,3	920,1	105,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 271,0	2 006,1	108,5
саноат	1 030,9	1 660,8	105,5
қурилиш	240,1	345,3	121,6
Хизматлар	**1 859,8**	**2 377,1**	**104,7**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	434,7	523,8	106,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	385,2	426,3	103,8
бошқа хизматлари	1039,9	1 427,0	104,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) *– миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 105,3 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 17,3 %), саноат – 105,5 % (31,3 %), қурилиш – 121,6 % (6,5 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,7 % (9,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,8 % (8,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,3 % (27,0 %) ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-мартида ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 92,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 7,9 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,4 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 17,3 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 5,2 % пунктга ўсди ва 37,8 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилнинг I-чорагида 44,9 % ни ташкил этди ва 2018 йил (47,7 %) билан таққосланганда 2,8 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,9 % ни (2018 й. – 11,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,0 % ни (9,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 27,0 % ни (26,6 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(2019 йил январь-март, жамига нисбатан фоизда)